**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**
**Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори**
**Г.Абдурахманова**
**_______________________**
**“ 30 ” сентябрь 2021 йил**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI

# 08.00.02 – “Макроиқтисодиёт”

ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

# Д А С Т У Р И

**ТОШКЕНТ – 2021**

# КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган мураккаб муаммоларнинг муваффақият билан ҳал этилиши, макроиқтисодий мувозанатнинг таъминланиши, дастлаб иқтисодий пасайишнинг бартараф этилиши ва сўнгра иқтисодий ўсишга эришиш давлатимиз иқтисодий сиёсати чуқур ўйланган ва илмий асосланган эканлигидан далолат беради. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев: "...макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва «яширин иқтисодиёт»га барҳам бериш. Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назорат янада кучайтирилади"[1], - деб таъкидлаган.

Шу билан бирга, бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ялпи ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандлилигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиқтисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганиш "Макроиқтисодиёт" фанининг предметини ташкил этади. Бу таърифдан кўриниб турибдики, "Макроиқтисодиёт" фани миллий иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ барча жиҳатларни, жумладан, инсон капитали, товарлар, пул бозорларининг амал қилиши, монетар, фискал ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакат молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, давлат хусусий шериклик механизми қамров даражасини ошириш, экспортга йўналтирилган фаол иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва мамлакат фискал сиёсатининг аниқ меъёрларини ишлаб чиқиш, маҳаллий бюджетнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётнинг реал секторини рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат қоидалари ва бюджет харажатлари самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда макроиқтисодий институтларни мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали механизмини жорий этиш, давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш, экология ва ресурсларни тежаш сиёсатини олиб бориш каби институционал ислоҳотларни амалга ошириш орқали эришиш назарда тутилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020

## 1-мавзу. Макроиқтисодий асослар

Иқтисодиёт тушунчаси. Дастлабки макроиқтисодий таҳлил элементлари: “Кенэ жадвали”, В. Леонтьевнинг тармоқлараро баланси. Иқтисодиётга давлат аралашувининг зарурлиги. Кейнс назариясининг моҳияти. Макроиқтисодиёт фанининг шаклланиши. Асосий макроиқтисодий муаммолар. Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё - макроиктисодиёт субъектлари сифатида. Ёпиқ ва очиқ иқтисодиёт. Макроиқтисодиёт усуллари. Агрегатлашнинг афзалликлари ва камчиликлари. Макроиқтисодий моделлар. Эндоген ва эгзоген ўзгарувчилар. Доиравий айланиш модели. “Даромадлар-харажатлар” ва “ресурслар-маҳсулотлар” оқими. Қарама-қарши оқимлар ўртасидаги тенгликнинг бузилиши сабаблари. “Оқимдан четга чиқиш” ва “четдан оқимга қўшилиш”лар. Макроиқтисодий сиёсат кўринишлари.

## 2-мавзу. Иқтисодий фаолият натижаларини ўлчаш

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичининг моҳияти. Иқтисодий ҳудуд. Резидент. Оралиқ ҳамда якуний товарлар ва хизматлар. Бозор баҳолари. ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули. Қўшилган қиймат, бир қийматни икки бор ҳисобга олишни истисно этиш. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш. Шахсий истеъмол харажатлари. Ялпи инвестициялар. Товарлар ва хизматларнинг давлат хариди. Соф экспорт. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ишлаб чиқариш ҳамда якуний истеъмолга кўра таркиби. ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаш. Бошланғич даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Ялпи миллий даромад. Соф ички маҳсулот. Соф миллий даромад. Шахсий даромад. Шахсий тасарруфдаги даромад. Истеъмол. Жамғариш. Ялпи миллий тасарруфдаги даромад. Асосий макроиқтисодий айниятлар. Даромадлар ва харажатлар тенглиги. Инвестициялар ва жамғармалар тенглиги. Хусусий, давлат ва ташқи дунё жамғармалари. Номинал ва реал ЯИМ. Баҳолар индекслари. ЯИМ дефлятори (Пааше индекси). Истеъмол нархлари индекси (ИНИ). Фишер индекси. ЯИМни ҳисоблашдаги қийинчиликлар. Хуфиёна иқтисодиёт.

## 3-мавзу. Умумий макроиқтисодий мувозанат: ялпи талаб – ялпи таклиф модели

Ялпи талаб тушунчаси. AD эгри чизиғи. Баҳо омиллари. Фоиз ставкаси самараси. Бойлик самараси ва импорт харидлари самараси. AD эгри чизиғи траекторияси. Пулнинг микдорий назарияси. Баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасидаги тескари боғлиқлик. Баҳодан бошқа омилларнинг ялпи талабга таъсири. Истеъмол харажатларидаги, инвестиция харажатларидаги, давлат харажатларидаги ва соф экспортдаги ўзгаришлар. Ялпи таклиф тушунчаси ва эгри чизиғи. Ресурслар баҳосининг ўзгариши. Унумдорликнинг ўзгариши.

## 6-мавзу. Иқтисодий циклллар

Иқтисодий даврларнинг моҳияти. Иқтисодий тебранишларнинг сабаблари: Сиёсий ҳодисалар. Жаҳон бозорида энергоресурслар нархларининг ўзгариши. Табиат ҳодисалари. Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат. Ялпи харажатлардаги ўзгаришлар. Иқтисодий даврларнинг босқичлари ва уларнинг тавсифи. Иқтисодий тебранишларнинг турли тармоқларга таъсири. Иқтисодий тебранишларнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари. Иқтисодий тебранишларга бозорлардаги монопол тузилмалар, давлатнинг тартибга солувчилик роли, илмий техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви таъсири.

## 7-мавзу. Инфляция ва ишсизлик

Инфляция: моҳияти, ҳисобланиши ва турлари. Инфляция суръати. Инфляциянинг сабаблари, пулнинг миқдорий назарияси. Пул массасининг кўпайиши. Пулнинг айланиш тезлиги ортиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши. Иқтисодиётдаги монополизм даражаси. Давлат харажатлари. Инфляцион солиқ. Инфляциянинг суръатларига кўра турлари. Талаб инфляцияси: моҳияти ва модели. Инфляцион кутиш. Инфляциянинг критик нуқтаси. Харажатлар инфляцияси: моҳияти ва модели. Фирмалар монополизми ва касаба уюшмалари монополизми. Хомашё ва энергия баҳоларининг ўсиши. Талаб ва таклиф инфляциясининг қўшилиши модели. Инфляцион спирал. Очиқ ва босиб турилган инфляция. Бозор механизми деформацияси. Баҳо сигналларининг бузилиши.

Кутилган ва кутилмаган инфляция. Инфляция ва фоиз ставкалари. Фишер самараси. Инфляциянинг ижтимоий оқибатлари. Инфляция ва ишсизлик. Филлипс эгри чизиғи. Инфляция суръати ва ишсизлик даражаси ўртасидаги оптимал мутаносиблик. Аксилинфляция сиёсатининг моҳияти, воситалари. “Карахт қилиб даволаш” ва градуализм. Адаптация сиёсати. Баҳолар ва даромадлар сиёсати.

Ишсизлик тушунчаси. Иш билан бандлар ва ишсизлар. Ишсизликнинг неоклассик ва кейнсча концепциялари. А. Пигунинг неоклассик концепцияси. Реал иш ҳақи, ишчи кучи таклифи ва унга талаб. Ишсизликнинг кейнсча концепцияси. Мажбурий ишсизлик. Бандлилик мультипликатори. Ишсизлик турлари ва иш билан тўла бандлик. Ишсизликнинг ҳақиқий ва табиий даражаси. Потенциал ва ҳақиқий ЯИМ. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. Оукен қонуни. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари.

Табиий ишсизлик даражаси. Реал иш ҳақининг қатъийлиги (ўзгармаслиги) ва ишсизлик кутилмалари. Минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонун. Касаба уюшмалари ва жамоавий битимлар. Рағбатлантирувчи иш ҳақи. Самарали иш ҳақи учун Солоу шарт-шароити. Шапиро-Стиглитц модели. Ишдан бўшатиш даражаси. Бандлик даражаси. Ишчи кучи таркибидан чиқиб кетиш даражаси. Ишсизлик нафақаси. Реал иш ҳақининг қатъийлиги. Иш ҳақининг самарали

харажатлар динамикаси ва унинг таъсирида мувозанатли ЯИМ ҳажмининг ўзгариши. Мультипликатор самараси. Автоном харажатларнинг мультипликацияси механизми. Истеъмолга чегаравий мойиллик ва мультипликация самараси. Мультипликатор формуласи. Рецессия ва инфляцияга хос узилиш. Тежамкорлик парадокси (таажжуби). Жамғармалар оширилишининг истеъмол ва ялпи талаб ҳажмларига таъсири.

## 11-мавзу. Давлат бюджети. Солиқлар

Давлат бюджетининг моҳияти, таркиби ва функциялари. Даромадларни қайта тақсимлаш. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш. Фан-техника тараққиётини рағбатлантириш. Ижтимоий сиёсатни молиявий таъминлаш. Пул маблағларининг марказлашган фондларини ташкил этиш ва фойдаланилиши устидан назорат. Давлат бюджети даромади. Давлат нобюджет фондлари. Консолидациялашган бюджет. Солиқлар. Нобюджет тўловлари. Солиқларнинг турлари, функциялари. Давлат бюджети даромадларининг солиқлар турлари бўйича таркиби. Солиқ сиёсати. Солиққа тортиш мезонлари. Адолатлилик. Самарадорлилик. Тўловга қодирлилик. Солиқ юки. Лаффер эгри чизиғи. Чегаравий солиқ ставкаси. Давлат бюджети харажатлари. Давлатнинг иқтисодиётда иштироки даражаси. Вагнер қонуни. Неъматларни истеъмол қилиш жараёнидаги ташқи самаралар. Ижобий ва салбий самаралар. Бюджет тақчиллиги. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таркиби.

## 12-мавзу. Бюджет-солиқ сиёсати

Бюджет-солиқ (фискал) сиёсати: моҳияти, мақсадлари, воситалари. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсат. Ёпиқ ва очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори. Солиқ мультипликатори. Солиқ мультипликацияси механизми. Баланслашган бюджет мультипликатори. Солиқларнинг камайтирилиши самараси ва давлат харажатларининг оширилиши самараси. Дискрет фискал сиёсат. Давлат бюджети тақчиллиги ва профицити. Нодискрет фискал сиёсат. Автоматик барқарорлаштиргичлар. Прогрессив солиқ тизими. Давлат трансфертлари тизими. Даврий тақчиллик ва даврий профицит. Давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги. Таркибий профицит. Тақчилликни молиялаш усуллари. Тақчилликни монетлаштириш ва Оливер-Танзи самараси. Давлат қарзи ўсишининг иқтисодий оқибатлари: капитал захираларининг камайиши, даромадлар миқдоридаги тенгсизлик, иқтисодий рағбатларнинг заифлашуви, фоиз ставкасининг кўтарилиши ва мамлакат ишлаб чиқариш потенциалининг пасайиши. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

чизиғи. Эгри чизиқнинг ётиқлиги. LM эгри чизиғининг тенгламаси. LM эгри чизиғининг горизонтал, кўтарилиб борувчи ва вертикал кесимларида мультипликатор самараси. Даромадлар, пулга талаб ва фоиз ставкаси. LM эгри чизиғининг алгебрик натижаси. LM эгри чизиғи силжишлари. IS-LM моделидаги мувозанат. Товар ва пул бозоридаги мувозанат. Баҳолар даражаси пасайиши натижасида икки бозор тизимида мувозанатнинг ўзгариши. IS-LM моделида бюджет солиқ сиёсати. Давлат харажатлари ва солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши. Сиқиб чиқариш самараси. Сиқиб чиқариш самараси ва бюджет - солиқ сиёсати самарадорлиги. IS-LM моделида пул-кредит сиёсати. Ликвидлилик тузоғи. Инвестиция тузоғи. Баҳолар ўзгариши шароитида рағбатлантирувчи фискал ва пул-кредит сиёсати. Моделда қисқа муддатли ва узоқ муддатли мувозанат.

## 16-мавзу. Роберт Солоунинг ўсиш модели ва эндоген ўсиш

Иқтисодий ўсиш: баъзи муҳим фактлар. Солоу модели. Модел тавсифи. Жамғарма нормаси ўзгаришининг таъсири. Барқарор ҳолатларни таққослаш. Олтин қоида. Иқтисодий ўсиш манбаларини ҳисоблаш. Солоунинг қолдиғи. Солоу моделининг камчиликлари ва уларни бартараф этиш усуллари. Капиталнинг ортиб борувчи интенсивлиги. Активларнинг ортиб бориши. Технологик ўсиш суръати. Истеъмолнинг ўсиш суръати. Даромаднинг дастлабки ўсиш суръати. Меҳнат унумдорлиги. Доимий самарадорлик билан меҳнат унумдорлиги. Доимий самарадорлик билан меҳнатнинг капитал билан қуролланганлиги. Меҳнатни тежайдиган технологик тараққиёт. Олтин қоидага мос келадиган барқарор ҳолатга ўтиш. Омилларнинг умумий унумдорлиги. Капитал билан қуролланганликнинг (инвестицияларнинг критик қиймати) барқарор даражасини сақлаб қолиш учун зарур бўлган инвестициялар. Эндоген илмий ва технологик тараққиёт моделлари.

Ўсишнинг янги назарияси (эндоген ўсиш). Тадқиқот ва ишланмалар (Р&Д) моделлари. Капиталсиз модел. Илмий-тадқиқот ишларида билимларнинг табиати ва ресурсларни тақсимлашнинг омиллари. Билимларни тўплаш моделларида эндоген жамғармалар. Билимларни тўплаш моделлари ва ўсиш назариясининг марказий муаммолари. Эмпирик тадқиқот: милоддан аввалги 1 миллион йилликдан бошлаб аҳолининг ўсиши ва технологик тараққиёт. Мамлакатлараро даромадлардаги тафовутлар. Инсон капитали билан кенгайтирилган Солоу модели. Эмпирик тадқиқот: Даромадлар ўртасидаги турли-туман фарқларни тушунтириш. Ижтимоий инфратузилма. Ишлаб чиқариш, ҳимоя ва қароқчилик модели. Ўсиш суръатларидаги фарқлар.

## 17-мавзу. Халқаро савдо назарияси. Ташқи савдо сиёсати

Халқаро савдонинг зарурлиги ва кўринишлари. Жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо кўламларининг ортиб бориши. А. Смитнинг мутлақ устунлик назарияси. Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси. Ишлаб чиқариш

мамлакат модели. Валюта курси. Тўғри, билвосита ва тескари котировка. Эгилувчан ва қайд этилган валюта курси. Валютанинг қадрсизланиши ва қимматлашиши. Девальвация ва ревальвация. Номинал валюта курси. Реал ва реал самарали валюта курслари. Харид қобилияти поритети. Номинал ва реал валюта курсларининг узоқ муддатли динамикаси. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар: фоиз ставкаларининг ўзгартирилиши, ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмлари, инфляция, ҳукумат сиёсати, савдо баланси, жорий операциялар баланси. Мувозанатли валюта курси. Макроиқтисодий сиёсатнинг мувозанатли валюта курсига таъсири.

## 19-мавзу. Очиқ иқтисодиёт

Очиқ иқтисодиётдаги миллий даромад. Тўлов баланси. Девиз курси. Номинал айирбошлаш курси. Реал айирбошлаш курси. Харид қобилияти паритети. Тузатилган фоиз паритети. Тартибга солинмаган фоиз паритети. Кичик очиқ иқтисодиёт. Ташқи савдо чекловлари. Девалъвация. Капитал ҳисоби ва жорий операциялар ҳисоби. Валюта курслари. Манделл - Флеминг модели. Сузувчи курс. Сузувчи курс шароитида солиқ-бюджет сиёсати, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо сиёсати. Қайд етилган айирбошлаш курси. Қайд этилган айирбошлаш курси шароитида солиқ-бюджет сиёсати, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо сиёсати. Манделл - Флеминг моделининг алгебраик кўриниши (чизиқли боғлиқликлар мавжуд ҳолатда). Манделл - Флеминг моделида иқтисодий сиёсат мулътипликаторлари. Валюта бозоридаги мувозанат. Ички фоиз ставкаси глобал даражадан паст. Ички фоиз ставкаси глобал даражадан юқори. Манделл - Флеминг моделидаги “ Даромад - валюта курси” координаталарида умумий мувозанат. “Даромад - валюта курси” координаталарида рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати оқибатлари. Девалъвациянинг оқибатлари.

## 20-мавзу. Абадий давомийлик ва бир даврда яшаётган авлодлар модели

Моделнинг умумий тавсифи. Омиллар бозори. Барқарор мувозанат. Солоу моделининг ўхшаш нусхаси. Меҳнат ва билимнинг ўсиш даражаси. Капитал жамғариш. Рақобатлашувчи фирмалар. Ўзгармас уй хўжаликлари сони. Infinite-horizon.Remsey. Kass. Kupmens. Overlapping generations- OLG модели. Ramsey–Cass–Koopmans модели ва Diamond моделининг фарқлари. Ижтимоий таъминот ва капитал жамғариш. Узоқ муддатли мувозанатга йўналтирилган иқтисодий сиёсат. Errou – Debro усули. Иқтисодиётга янги уй хўжаликларининг кириб келиши. Уй хўжаликлари ва фирмаларнинг хатти-ҳаракатлари. Уй хўжаликларини максималлаштириш муаммоси. Иқтисодиёт динамикаси. Баланслашган ўсиш йўли. Ижтимоий оптимум. Diamond моделида давлат сектори.

# ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 604-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. ЎРҚ-599-сон, 2019 йил 30 декабрь.
3. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2019 йил 13 августдаги ЎРҚ-552- сонли қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида. ЎРҚ-589-сон, 2019 йил 9 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида. ЎРҚ-657-сон, 2020 йил 25 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2020
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. - https://lex.uz/docs/3107036
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида. 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сон. - https://lex.uz/docs/3193118
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (www.lex.uz).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар

тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5978-сон фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. - https:// www.lex.uz/

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 18 май, ПФ-5996-сонли. - https://lex.uz/docs/4815474

26. 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон фармонига 1-илова. - https://lex.uz/docs/4887654#4889230

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. 2020 йил 6 июль, ПФ-6019-сон. - https://lex.uz/docs/4887654#4889230

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. - https:// www.lex.uz/

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон фармонига илова. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. - https://lex.uz/docs/4751561

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли фармонига 1-илова. 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. - https://lex.uz/docs/4887654#4889230

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. - https://lex.uz/docs/4751561

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5621-сон Фармони.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли фармони.

47. Romer D. Advanced Macroeconomics. 5th ed. — McGraw-Hill, 2018. - 800 p. — ISBN 1260185214.
48. N. Gregory Mankiw. Macroeconomics. 9 th edition. Harvard University. NY.: Worth Publishers, 2016
49. Abel A.B., Bernanke B.S., Croushore D. Macroeconomics. 8 th edition. USA: Amazon, 2013
50. Romer D., Advanced Macroeconomics. 4th ed. — McGrow Hill Book Company: London, 2012.
51. Дэвид Ромер. Высшая макроэкономика: учебник /пер. с англ. под науч. ред. В. М. Полтеровича. 2-е изд. Москва: Издательский дом Высшая школа экономики, 2015. – 854 с
52. Асқарова М.Т. Инклюзив ўсиш. Дарслик. Т: 2020 й.
53. Беркинов Б.Б., Асқарова М.Т., Абдурахимова С. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси: Ўқув қўлланма. – Т.: 2019.–78 бет.
54. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик. 3-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 256 б.
55. Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари.
56. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботи.2020 йил.
57. Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш” Монография -. – Т.: Иқтисодиёт, 2020.
58. Babayeva N., Raximova M., Xalimova M. Biznes reja tuzish bo‘yicha qo‘llanma. BMTTDning O‘zbekistondagi vakolatxonasi, 2012
59. Попов В.М. Сборник бизнес - планов: С рекомендациями: учебно - методическое пособие / под ред. д. э. н., проф. Попова.В.М, и д. э. н. Ляпунов С.И. - 6-е изд, стер- М.: КНОРУС, 2008. - 336с.
60. Экономика предприятия: учебник / под ред. проф. Волкова О.И. и доц. Девяткина О.В. – 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 601с.
61. Hajra Choudhury, “Elements of Workshop Technology”, Vol. I and II, Media Promoters and Publishers Pvt., Ltd., Mumbai, 2013.
62. Serope Kalpajian, Steven R.Schmid, “Manufacturing Processes for Engineering Materials”, 4/e, Pearson Education, Inc. 2014.
63. “Principles of Foundry Technology”, Jain P.L., Tata McGraw hill 2010
64. Roy. A. Linberg, “Process and Materials of Manufacture”, PHI, 2014.
65. www.gov.uz
66. www.mfer.uz
67. www.uza.uz
68. www.stat.uz
69. www.lex.uz.
70. www.sharh.uz